*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 18 август ● сешанба ● № 35 (652) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz

**«Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир»**




## Озод ва обод юрт одамлари



Эътироф

**Тошио ТОУРА, Ўзбекистоннинг Осака шаҳридаги фахрий консули:**

*– Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш дастурларини амалга ошириш натижасида иқтисодиётнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши таъминланмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган давлат дастурлари ўз самарасини бераётгани бунинг яққол далилидир.*



Эътироф

**Чи ДЖОНГ – ХУН, «Кореан Эйр» авиакомпанияси вице президенти:**

*– Дунё миқёсида экспорт маҳсулотларига бўлган талаб ва нарх тушиб кетганига қарамай, Ўзбекистон экспорт ҳажмини сезиларли даражада оширишга ва ташқи савдода 1,6 миллиард доллардан ошувчи ижобий сальдога эришишга муваффақ бўлди. Бу мамлакат ҳукуматининг экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсати самарасидир.*



Эътироф

**Детлеф ЗИММЕРМАНН, Британия—Ўзбекистон жамияти ижроия кенгаши раиси:**

*– Иқтисодчи сифатида Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ўз молиявий манбалари ва ресурсларига таяниб иш кўрмоқда. Негаки, бу мамлакатингизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Бундай иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистонда барқарор иқтисодий юксалиш кузатилмоқда.*

## Адвокатурани такомиллаштириш

### инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади

Анжуман

**АДВОКАТУРА институти фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор янги ҳуқуқий асосларнинг мазмун-моҳиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш мақсади мужассам.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 1 майдаги **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонида бу борада белгиланган муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳам мазкур институт фаолиятига катта эътибор берилмоқда.

Адлия вазирлигида **«Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида адвокатуранинг ўрни: вазифалар, масъулият ва истиқболлар»** мавзуида конференция ўтказилди. **Тадбирни Адлия вазирининг ўринбосари Есемурат Каньязов** бошқариб борди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Адлия вазирлиги ҳамда бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул ходимлари, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, Президентимизнинг мазкур Фармони асосида фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий норманинг амалга оширилиши, адвокатура ташкилий мустақиллигининг таъминланиши, тизимнинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши, адвокатлар мустақиллиги кафолатларининг кучайтирилиши билан адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш, адвокатура институтини ислоҳ қилишда янги босқичга қадам қўйилди.

Шунингдек, 2008 йилнинг 31 декабрида **«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, **«Адвокатура тўғрисида»**ги ва **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга ўтган давр мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг ушбу масалага дахлдор 3 та қарори, 10 га яқин идоравий-меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди.



Анжуманда сўзга чиққан **Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси Тошпўлат Сайидов** адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига, касб этика қоидаларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаб, адвокатура институтини такомиллаштиришга оид қонуний ҳужжатлар тарғиботига оид ҳамда адвокатлар малакасини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида тўхталди. Бу борадаги янги ҳуқуқий нормаларга жойларда бир хил амал қилинишига эришишда ҳали қилинадиган ишлар борлигини қайд этди.

2 →

## Халқаро ҳамкорлик



ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигида Адлия вазирлиги ва Япония халқаро ҳамкорлик Агентлиги (JICA) ўртасида ўзаро англашув тўғрисидаги Меморандумни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Меморандум Адлия вазирлиги номидан Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов, JICA номидан эса JICAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Юкихико Эжири томонидан имзоланди.

Меморандумда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳини ташкил этиш, ишчи гуруҳи томонидан эса илмий, ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ва лойиҳаларни тайёрлаш, семинар ва конференцияларни ўтказиш йўли билан ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш кўзда тутилган.

Меморандум доирасида JICA томонидан Адлия вазирлигига маслаҳатчилар юбориш назарда тутилган.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Сайлов ва сайловчи

**МУСТАҚИЛЛИК йилларида юртимизда сайлов тизими мутаносиб равишда шаклланди. Буни халқаро мутахассислар ҳам кенг шарҳлаб, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилмоқдалар.**

**Сайлов тизимининг ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берувчи қонунлар қабул қилинди.**



## Конституцияда сайлов ҳуқуқи

### жамиятда демократиянинг яққол намунасидир

КОНСТИТУЦИЯНИНГ XXIII боби «Сайлов тизими» деб номланиб, ундаги 117-модда Ўзбекистонда сайлов тизимини аниқ ва мукаммал ўрнатади ҳамда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини кафолатлайди. Унда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги конституциявий асосда мустаҳкамланган.

Конституциянинг бу нормасига асосан ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Бу дегани фуқаролар миллати, жинси, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ҳозирги мавқеидан қатъи назар, сайловда тенг ҳуқуққа эга. Конституцияга биноан овоз бериш ҳуқуқи, фуқаролар хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

3 →

## Қутлаймиз!

МУСТАҚИЛ Ватанимиз шарафини куйлаш дилларни чексиз ифтихор туйғуларига тўлдиради. Жонажон Ўзбекистонимизни мадҳ этиш шу азиз юртда яшаётган ҳар бир инсон қалбидаги энг эзгу ниятдир.

Президентимизнинг она Ўзбекистонимизни улуғлаш, давлатимизни кўз қорачиғидай асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва янада юксалтириш йўлида фидойилик кўрсатиш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, юртимиз тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш мақсадида **«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»**ги Қарорига мувофиқ танловнинг тизимлар бўйича Республика якуний босқичи бўлиб ўтди.

Саралаш босқичида муносиб деб топилган қўшиқлар Республика босқичига тавсия этилди. Ушбу энг сара қўшиқлар орасида Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Абдукамол Раҳмонов шеъри билан айтилган «Ватаним – онам» номли қўшиқ ҳам ўрин олди.** Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси **Рустам Абдуллаев** куй басталаган иқтидорли хонанда **Санжар Исоқов** ижросида янграган бу жўшқин тарона кўрик-танловда рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.



Биз ватанпарварлик руҳида қалам тебратиб, ажойиб муваффақиятга эришган Абдукамол Раҳмоновни самимий қутлаймиз!

**«Инсон ва қонун» таҳририяти жамоаси**

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Амалий тажрибалардан келиб чиқиб адвокатларнинг самарали фаолият юритиши борасида мавжуд масалалар, учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш ҳақида ўз таклифларини билдирди.

— Судларнинг ихтисослашуви тизими яратилиши муносабати билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг



# Адвокатурани такомиллаштириш

## инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилади

ҳуқуқий доираси кенгайди. Яъни ишларнинг ўз муддатида ва сифатли кўрилишига замин яралди. Адвокатларнинг ихтисослашуви амалга оширилса, адвокатура тизимининг нуфузи ортади, бу адвокатларнинг малакасига нисбатан талабнинг кучайишига олиб келади, – деди **Олий хўжалик судининг судьяси Назиржон Узоқов** ўз сўзида. – Шунингдек, адвокатга берилган ордер ва ишончномадаги ваколатларнинг алоҳида жиҳатларини мувофиқлаштиришга эътибор қаратиш лозим. Бинобарин, муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланиши, ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг) нуқтаи назарига кўра, ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

**Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Абдукамол Раҳмонов** ўз маърузасида Адвокатлар палатаси томонидан адвокатлар фаолияти бўйича бир қанча йўналишларда мониторинг олиб бориш мақсадга мувофиқлиги ҳақида фикр билдирди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигининг вакиллари ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётганлигини таъкидлаб, адвокатура институти фаолиятини ривожлантириш, аҳолининг адвокатларга бўлган ишончини янада ошириш хусусида сўз юритдилар.

Маърузалар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирган Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари раҳбарлари амалий тажрибалардан келиб чиқиб, бир қатор таклифларни ўртага ташладилар. Ҳудудий бошқармаларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масаласи ҳамда судларда кутиш жойлари шароитларига эътибор қаратдилар.

Муҳокамада сўзга чиққан **Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Тамара Тиллаева** малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Тошкент Давлат юридик институтида адвокатура факультетини очиш, унинг таркибида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш хусусида сўзлади. Шунингдек, адвокат тўлақонли фаолият олиб боришида судьялар, прокурор, терговчиларнинг малакаси ҳам муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

– Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаларида иш тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш асосида адвокатлар учун консультатив семинарлар ташкил этиш ҳамда бу касб эгалари фаолиятини ҳуқуқий тушунтиришга қаратилган буклетлар тайёрланиши тарғибот ишларида ижобий натижа беради, – деди муҳокамада сўзга чиққан **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессори Аъзам Раҳмонов.**

Қизиқарли фикр-мулоҳазалар, савол-жавоблар тарзида ўтган анжуманда яна бир қатор муҳим таклифлар ўртага ташланди ва муҳокама қилинди.

**Дилором МАТКАРИМОВА, Дилфуза ЭРГАШЕВА, «Инсон ва қонун» мухбирлари**

# Тизим тадбирлари

## Ҳужжатларни туркумлаш

**ҲОЗИРГИ ахборот асрида мавжуд ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни туркумлаш, ҳисобини юритиш сингари тадбирлар алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаш ҳам долзарб вазифалардан саналади.**

ХОРАЗМ вилояти адлия бошқармаси томонидан Урганч шаҳрида уюштирилган семинар-машғулот ана шу муҳим масаланинг амалий ечими билан боғлиқ вазифаларга бағишланди.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган норматив хусусиятдаги ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш, давлат ҳисоби, шунингдек, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишга доир қатор маърузалар тингланди.

Ҳужжат юритишга доир тавсия ва йўл-йўриқлар баён этилди.

**Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

## Қишлоқ равнақи

**ФАРҒОНА шаҳридаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижроси ва мазмун- моҳиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗДА янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, муҳташам маданий-маиший иморатлар, турар-жойларни бунёд этиш, қишлоқ одамларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини яхшилаш қабул қилинган дастурнинг асосий мақсадидир.

Фарғона шаҳар хусусий нотариал идораси ва ҳудудий милиция таянч пункти томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда юқоридаги фикрлар эътироф этилди.

**Замира ҒОФУРОВА, Фарғона шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**

Репродуктив саломатлик

**ХАЛҚИМИЗ болажон. Ҳаётимиз мазмуни болаларимиз бахтида деб биламиз. Ўғил-қизларимиз вояга етгач, уйлантириш, узатиш ҳаракатига тушамиз. Сандиқ тўла сарполар йиғамиз, хориж мебелларини харид қиламиз. «Мен сендан кам эмасман» қабилида ўтаётган тўю тантаналаримиз тобора миллий қадриятларимиз чегарасидан чиқиб, дабдабали тус олаётганлиги ҳам сир эмас. Лекин бўлажак келин-куёвларнинг саломатлиги, туғилажак зурриётларининг соғлиғи ҳақида қайғуриш лозимлигини унутмаслигимиз шарт.**

# Она ва бола саломатлиги

## жамият равнақи

МУСТАҚИЛЛИККА эришган дастлабки йилларданоқ мамлакатимизда соғлом оила, баркамол фарзанд тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бу борада қабул қилинаётган Президентимиз Фармонлари, Давлат дастурлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар соғлом жамият барқарорлиги йўлидаги масъулиятни таъминлашни янада мустаҳкамлайди.

Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг **«Оилада тиббий маданиятни ошириш аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарорлари оила, она ва бола муҳофазасини кафолатлайди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида никоҳдан ўтувчи ҳар бир келин ва куёвни ирсиятга таъсир этувчи касалликлар бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари натижасида ногирон фарзандлар туғилиши ҳамда она ва бола ўртасидаги ўлим кескин камайди. Бу борада тарғибот ишларининг аҳамияти беқиёсдир. Биргина Янгийўл шаҳри мисолида оладиган қислиги синдроми (ОИТС) аниқланганлиги жуда ачинарли ҳолдир. Бу каби иллатларни ўз пайтида аниқлаш ёш оила барбод бўлиши ва ногирон фарзанд туғилишининг олдини олишда, шунингдек, иккинчи бир шахснинг соғ-



бўлсак, соғлом оила барпо этиш мақсадида 2008 йил давомида етти юздан ортиқ турли тадбирлар, ўқув-машғулотлари олиб борилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу рақам мингдан ортиқни ташкил этади. Одатда бу каби тадбирларга малакали тиббиёт ходимлари билан бир қаторда, ҳаёт тажрибасига бой, ували-жували онахонлару отахонлар таклиф этилмоқда.

Ўтган йили тиббий кўрикдан ўтказилган айрим келин-куёвлар орасида ирсиятга таъсир этувчи касаллик борлиги аниқланди. Айниқса, мўмай даромад дардида хориж давлатларига ишлашга бориб келган йигит ва қизларда таносил касаллиги ва орттирилган иммунитет танлиғини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда ёш оналар соғлиғи туғилажак фарзандлар соғлиғи билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардим. Ҳар бир аёл она бўлиш арафасида тиббий кўрикдан ўтиб, шифокорлар маслаҳатларига амал қилсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Соғлом оилада турмуш фаровонлиги барқарор бўлиши барчамизга яхши маълум. Шу нуқтаи назардан оила бахти ҳашамат ва дабдабаларда эмас, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатликда эканлигини ҳамиша ёдда тутайлик.

**Эътибор СУЛТОНОВА, Янгийўл шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири**

## Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Конституциясининг 117-моддасида фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳамда уларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатлаб қўйилган.**

ДАВЛАТ ҳокимияти вакиллик органларига сайлов жараёни арафасида кенг аҳоли ўртасида **«Сайлов тўғрисида»**ги Қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, юртдошларимизнинг сиёсий онг ва тафаккурларини янада оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан Тошкент вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Бекобод шаҳар ФҲДЁ бўлимида «Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи» мавзуида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

Адлия бошқармасининг масъул ходимлари ва Олий мажлис Қонунчилик палатасининг депутати А.Эшмуродов йиғилиш қатнашчиларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб бердилар.

**Малика ШАРИПОВА, Бекобод шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири**

**МАМЛАКАТИМИЗДА тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, эркинлаштиришга қаратилган қонунлар Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз Қарорлари мисолида яққол кўриш мумкин.**

**Ҳаммамизга маълумки, кейинги пайтларда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятига ортиқча аралашишларга чек қўйилди. Натижада текширишлар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.**

Тадбиркорга кенг йўл

# Ортиқча аралашишга йўл йўқ

## Негаки, тадбиркорлар фаолиятини қонун ҳимоя қилади

НАМАНГАН вилоятида 2009 йил 1 июль ҳолатига жами 59771 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, 2009 йил текшириш-режа жадвали бўйича назорат қилувчи органлар томонидан 1641 та хўжалик юритувчи субъектда текшириш ўтказиш режалаштирилган эди. Бироқ, назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан 564 та хўжалик юритувчи субъектда текшириш ўтказишга рухсат берилди. Текширишлар ўтказиш учун 2009 йилда белгиланган режа 2008 йилга нисбатан 309 тага, фаолияти текширилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар 120 тага камайди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан белгиланган режага мувофиқ ҳокимликлар, назорат қилувчи идоралар фаолияти мунтазам равишда ўрганилиб, мониторинг қилиб борилмоқда. Учқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин ва Уйчи туманидаги ўрганишлар натижасига кўра, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, СТИР рақами, техник шартлар бериш каби 32 та ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг 357-сонли қарори талаблари бузилганлиги аниқланди. Бу ҳолатлар юзасидан 7 та тақдимнома киритилди ва унга асосан 6 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Учқўрғон, Чортоқ, Норин, Уйчи тумани ҳокимликлари, вилоят божхона бошқармаси, «Ўзавтодарётранс» агентлиги Наманган вилояти ҳудудий бўлими ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Наманган вилояти бўлимида тадбиркорлик субъектларига лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш амалиёти ўрганиб чиқилганда тадбиркорлардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш, лицензия беришда белгиланган муддатларни бузиш ва бошқа қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ҳам қонуний чоралар кўрилди.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида иш режага асосан вилоятдаги 21 та тижорат банки фаолияти ўрганилди. Унинг натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан банкларга 23 та тақдимнома киритилиб, тақдимномаларга асосан банкларнинг 48 нафар мансабдори интизомий жавобгарликка тортилди.

Режага асосан Учқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин ва Уйчи тумани Давлат солиқ инспекцияларида ўрганишлар ўтказилганда 14 та солиққа оид қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича 6 та тақдимнома киритилиб, 11 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Вилоят божхона бошқармаси, Учқўрғон, Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон, Норин, Уйчи туманидаги назорат қилувчи идораларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида ҳам тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 146 та қонунбузилиш ҳолатлари содир этилган. Судларга 274940,1 минг сўмлик 43 та даъво ариза киритилди. Улар томонидан 32 та даъво ариза кўриб чиқилиб, 27 таси 161720,4 минг сўмга қаноатлантирилган ва 5 таси бўйича келишув битимлари тузилиб ҳаракатдан тугатилган.

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида иш олиб борилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

**Шерали МАҲМУДОВ, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи**

## Қулайлик ва имтиёз

**МАМЛАКАТИМИЗДА иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг норматив-ҳуқуқий база яратилиб, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги қонуний кафолатланган.**

АНДИЖОН вилояти адлия бошқармасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан республика Президенти ва хукумат томонидан қабул қилинган Қарор ва фармонлар ижроси бўйича **«Тадбиркор — қонун ҳимоясида: қулайлик ва имтиёзлар»** мавзуида очиқ эшиклар куни ташкил этилиб, семинар ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган мутасадди ташкилотлар вакиллари тадбиркорлик субъектларига яратилган эркинликлар ва имтиёзлар юзасидан семинар иштирокчиларига тўлиқ ахборот бердилар.

Тадбиркорлар эса ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан етарли даражада жавоблар олишди.

Худди шундай тадбирни, вилоятнинг ҳар бир туманида ўтказишга келишиб олинди.

**Ҳаётбек АКБАРОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

## Миллат кушандаси

**ДЎСТЛИК туманидаги «Бунёдкор» ҚФЙда «Одам савдоси миллат софлигининг кушандасидир» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

**Тадбирда туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, суд, адлия бошқармаси ходимлари қатнашдилар.**

СЎЗГА чиққанлар 2008 йил 17 апрелда **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши трансмиллий жиноятчиликка қарши олиб борилаётган тизимли кураш борасидаги давлатимиз сиёсатининг мантиқий давоми эканлиги, мазкур Қонуннинг 6-моддасига биноан одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун республика идоралараро комиссияси тузилганлиги ва унинг фаолияти, бугунги кунда олиб борилаётган ишлари хусусида тўхталдилар.

Қизғин мунозаралар руҳида ўтган тадбирда йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Анвар ХЎЖАНАЗАРОВ, Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**

Адлия аралашгач...

# Ижросиз қайтган топшириқ

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасига «Навоийсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 3-сон ҚМШК раҳбари мурожаат этиб, Қизилтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан корхона ҳисоб рақамига «Қизилтепа темирбетон» ишлаб чиқариш шўъба корхонаси фойдасига 11.961.553 сўм ундириш бўйича ноқонуний равишда инкассо топшириқномаси қўйганлиги сабабли амалий ёрдам беришни сўраган.**

МУРОЖААТНИ ўрганиш жараёнида ҳақиқатан ҳам Қизилтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2009 йил 16 май куни «Навоийсувқурилиш» ОАЖга қарашли 3-сон ҚМШКнинг АТИБ «Ипотекабанк» Навоий вилояти филиалидаги ҳисоб рақамига «Қизилтепа темирбетон» ишлаб чиқариш шўъба корхонасининг 11.961.553 сўмлик дебитор қарзини ундириш мақсадида инкассо топшириқномаси қўйилган.

Туман Давлат солиқ инспекциясининг тушунтиришича, ушбу тўлов топшириқномаси «Қизилтепа темирбетон» ишлаб чиқариш шўъба корхонасининг 2009 йил 16 майдаги хатига асосан қўйилган.

Марказий банк Бошқарувининг **«Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»**ги Низомга асосан солиқ органлари давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, «Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси,бюджетдан ташқари мактаб таълими жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича ҳамда боқимандаларни ундириш тўғрисида, шунингдек, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш пайтида инкассо топшириқномаси қўйишга ҳақлилиги белгиланган.



Бундан ташқари, Солиқ кодекси 52-моддасида солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш мумкинлиги белгиланган.

Аммо, Қизилтепа тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан «Навоийсувқурилиш» ОАЖга қарашли 3-сон корхона ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси қўйилишида Солиқ кодексининг 64-моддаси талабларига риоя этилмаган.

Инспекция томонидан кодекс талаблари бузилиб, корхонага кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдирги юбормаган.

Бу билан солиқ инспекцияси масъул ходими томонидан корхонанинг эркин фаолият юритишига ва пул маблағларидан эркин фойдаланишига тўсқинлик қилинган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоят Давлат солиқ бошқармасига киритилган тақдимномага асосан камчиликка йўл қўйган ходим Дилшод Шукуровга жарима интизомий жазо чораси қўлланилди. Давлат солиқ инспекциясининг кейинги иш фаолиятида бундай камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида барча ходимлар огоҳлантирилди. Шунингдек, «Навоийсувқурилиш» ОАЖга қарашли 3-сонли корхона ҳисоб рақамига нотўғри қўйилган 11.961.533 сўмлик инкассо топшириқномаси туман Давлат солиқ инспекциясининг 2009 йил 7 июлдаги хати орқали Навоий «Ипотека» банкидан ижросиз қайтарилди.

**Яшин ДУШАНОВ, Садриддин ЖЎРАЕВ, Навоий вилояти адлия бошқармаси ходимлари**

# Конституцияда сайлов ҳуқуқи

## жамиятда демократиянинг яққол намунасидир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳар бир фуқаро сайловда нафақат тенг, шунингдек, эркин иштирок этиши белгиланган.

Сайлов қонунчилигида, жумладан: **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги Қонуннинг 7-моддасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланиши кўрсатилган.

Сайлов ўтказиш қоида ва тартибини бузувчи шахслар, фуқароларнинг Президентликка ва вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишга зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўллар билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузиш, овозларни атайин нотўғри санаб чиқиш, овоз бериш якунларини бузган, комиссия аъзолари ва мансабдор шахслар, шунингдек, номзодларнинг шаънига доғ туширувчи маълумот тарқатиш, комиссия аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида **«Сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш», «Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш»** учун жавобгарлик белгиланган.

Сайловларни *умумий, тенг* ва *тўғридан-тўғри* сайлов ҳуқуқи асосида *яширин* ўтказилиши каби халқаро стандартларга ва умумэътироф этилган демократия талабларига мос келувчи қоидалар конституциявий принцип даражасида мустаҳкамланган.

Ўн саккиз ёшга тўлган фуқароларнинг барчаси ирқи ва миллатидан қатъи назар, сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши ва фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар ҳамда суд ҳукмига биноан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловларда иштирок этмаслигининг белгиланганлиги умумий сайлов ҳуқуқининг кафолатидир.

Конституциямизда белгиланган тенг сайлов ҳуқуқи фақат овоз беришда тенгликни таъминлаб қолмасдан, сайловнинг барча жараёнларида иштирок этувчиларга тенг имкониятлар яратилишини кафолатлайди. Фуқаролар номзод кўрсатишда, номзодни ташвиқот-тарғибот қилишда тенг бўлса, бошқа иштирокчилар ҳам номзод кўрсатиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятга эга.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида барча маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Яъни фуқаролар овози уларнинг сайланишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи омилдир. Тўғридан-тўғри сайловда сайловчи ва сайланувчи ўртасида сайловга таъсир қилувчи бошқа ҳеч қандай субъект бўлмайди.

Яширин овоз бериш, овоз беришнинг энг демократик усули бўлиб, у овоз беришнинг эркин, ихтиёрий амалга ошишини таъминлайди. Яширин овоз беришда овоз берувчи олдида ҳеч кимнинг бўлмаслиги, овоз бериш натижасини ҳеч ким билмаслиги овоз берувчининг ҳеч кимдан хавотирланмасдан овоз беришини таъминлайди.

Амалдаги Конституцияга киритилган ўзгартишлар асосида тегишли қонунларга ҳам ўзгартишлар киритилди.

Бир сўз билан айтганда, сайлов ўтказишнинг барча қоида ва тартиблари Конституцияда белгиланган **«Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»** деган бош қоидага тўла жавоб беради ҳамда шу қоиданинг амалга ошишини таъминлайди.

**Диёрбек НУРМУРОДОВ,**
**ТДЮИ талабаси**

---

Прокуратура ташаббуси

# Меҳнат ярмаркасида

## 500 киши иш билан таъминланадиган бўлди





ҲАР бир соҳада янгилик, ўзгариш ва ислоҳотлар юз бераётган бозор муносабатлари жараёнида аҳолининг ишга бўлган талабини қондириш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу долзарб масалага давлатимиз томонидан катта эътибор берилиб, бу борада бир қатор қарорлар қабул қилиниб, улар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли кўплаб ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Шайхонтоҳур тумани прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” меҳнат ярмаркаси ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Бу каби тадбирлар жорий йилнинг март-июль ойларида Тошкент шаҳар прокуратураси билан биргаликда шаҳар миқёсида ўтказилган эди. Тошкент шаҳри бўйича ташкил этилган “меҳнат ярмаркаси” натижасида аҳолининг ишсиз юрган фуқаролари, айниқса, ёшлар ва аёллар қулай иш ўринлари билан таъминланди.

— Ушбу хайрли тадбирни давом эттириш мақсадида, “Спентекс — Тошкент — Тўйтепа” хорижий корхонаси билан ҳамкорликда туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан “Очиқ эшиклар куни” меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, — дейди **Шайхонтоҳур тумани прокурорининг ўринбосари Саидкарим Мухторов.** — Тадбирда тумандаги 49 та маҳалладан 1000 га яқин фуқаро қатнашиб, 500 нафари бўш иш ўринларига жойлаштирилди.

“Спентекс — Тошкент — Тўйтепа” хорижий корхонасида 2428 дан ортиқ иш ўрни бўлиб, 500 та бўш иш жойи мавжуд.

Эндиликда корхона ишчи-хизматчисига айланган фуқаролар ишдан узилмаган ҳолда, таъмирловчи, пайвандчи, йигирувчи, механик, электрик, юк автомобили ҳайдовчиси йўналишлари бўйича қайта касб-ҳунарга ўқитилади.

— Бундан 2 ойча олдин маҳалла йиғини нозирига иш сўраб мурожаат қилган эдим. Бирор ҳунарга эга бўлмаганлигим сабабли иш тополмай юргандим, — дейди Шайхонтоҳур тумани “Сузукота” маҳалласида яшовчи Нилуфар Жаҳонгирова. — Ушбу меҳнат ярмаркасига таклиф этилиб, йигирувчиликка ишга қабул қилиндим.

**Гулсумхон ШОДИЕВА,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

Мезон

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг касбий тайёргарлигини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлган эди.**

# Ҳуқуқий маданият

## жамият тараққиётида муҳим омиллардан бири

ДАРҲАҚИҚАТ, аҳоли ҳуқуқий маданиятининг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Фуқароларда қонунларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш эса алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек **«ҳуқуқий меъёрлар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади»**.

Мамлакатимизда инсон, унинг эрки, қадр-қиммати ва шаъни олий қадрият саналади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий билим савиялари муҳим ўрин тутади.

Кишиларнинг ҳуқуқий тафаккурини ўстириш, маънавий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган соғлом фикрли, ижтимоий фойдали меҳнат қилишга интиладиган шахсларни, хусусан, баркамол ёшларни тарбиялаш, вояга етказишга барчамиз бирдай масъулмиз. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ёшлигидан ҳуқуқий билим ва тушунчаларни пухта эгалласа, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар билан мунтазам танишиб борса, ўзининг фуқаролик ҳуқуқларини яхши англайди. Атрофда кечаётган воқеалар, ижтимоий ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олади. Шу нуқтаи назардан аҳоли ўртасида қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда қонунларга ҳурмат ва ишонч ҳисси билан қараш кўникмасини мустаҳкамлаш юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ҳамда 2003 йил 27 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарорларга мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа ташкилотлар билан тасдиқланган ҳамкорлик режаларига асосан кенг кўламли ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярми давомида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ОАВ орқали 461 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида 1436 та оғзаки ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган бўлиб, ушбу тадбирларнинг 697 таси давра суҳбатлари, 82 таси семинардан иборат. Жойларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган мазкур ҳуқуқий тарғибот тадбирларида 30 минг нафарга яқин тингловчи иштирок этди.

Албатта, жамиятда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар, ислоҳотлар кенг халқ оммасига ўз вақтида, тез ва тушунарли етиб боришини таъминлашда ОАВнинг ўрни беқиёс эканлигини доимо назарда тутмоқдамиз.

Хусусан, мамлакатимизда фаолият юритаётган марказий ва маҳаллий телевидение, радио, газета ва журналларда мутахассисларнинг ҳуқуқий мавзуларда чиқишлари мунтазам равишда ёритиб борилмоқда. Унда мутахассисларимиз қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириш баробарида аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар, тушунчалар бериб бормоқдалар.

**Нўъмон МУҲАММАДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

---


## Ҳурматли юртдошлар!

*«Асака» банки (ОАЖ) Сизларни кириб келаётган «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик» байрамини билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.*

**Миллий валютадаги омонатлар.**

**1. «ЗИЁЛИ»**
**(болалар учун омонат)**
*Сақланиш муддати – 6 ой, омонат бўйича йиллик 34%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).*

**2. «ТОШКЕНТ — 2200»**
*Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29% ҳисобланади.*

**3. «ИШОНЧЛИ»**
*Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.*

**4. «СТУДЕНТЛАР УЧУН»**
*Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38%-гача ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).*

**Хорижий валютадаги омонатлар.**

**1. «УНИВЕРСАЛ»**
**АҚШ долларида.**
*Сақланиш муддати - 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**
**Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | Филиаллар | коди | телефон рақами |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| 2. | Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| 5. | Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| 9. | Фарҳод филиали | 374 | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| 12. | Олтариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| 20. | Афросиёб филиали | 366 | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | 367 | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

*«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*



**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


---

2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қишлоқ ҳаётига оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга дастуриламал бўлди.**

# Шахсий манфаатдорлик

## фаровонлик омилига айланди

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликка эришгандан кейин қишлоқ хўжалиги тизимида ҳам чуқур ислоҳотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга катта эътибор бериб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунлар қабул қилинди. Жумладан, **«Ер кодекси»**, **«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»**, **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонунлар ҳамда ҳукумат қарорлари қишлоқ хўжалигида кенг иқтисодий пойдевор яратишга йўл очди.

Ўтган йиллар мобайнида қишлоқ ҳаётида ва қишлоқ аҳли тақдирида буюк ўзгаришлар юз берди. Аввало, фермерлик тизимига ўтилганлиги боис қишлоқ кишиларининг ерга, меҳнатга муносабати тамомила ўзгарди. Қишлоқдаги меҳнат шахсий манфаатдорлик фаровонлик, бахту саодат манбаига айланди. Қишлоқда тиббий хизмат замон талаблари даражасига кўтарилмоқда. Она ва боланинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамланмоқда. Бугун қишлоқ болалари фан олимпиадаларида, халқаро спорт мусобақаларида Ватан шарафини ҳимоя қилишда шаҳарликлардан асло қолишмаяптилар. Ёшларимиз шахсан Президент ва давлат томонидан мислсиз эътибор ва ғамхўрликларга сазовор бўлмоқдалар.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқ жойларида инфратузилма тармоқлари — табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланиши, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация хизмати тубдан ривожлантирилиб, қишлоққа саноат ва сервис шохобчаларини олиб кириш фаоллашди, ихчам ва замонавий технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналари тобора кўпаймоқда. Фермерлик ҳаракати янада кенг кўламда қўллаб-қувватланиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш унумдорлигини ошириш долзарб вазифаларга айланди. Жамият ҳаётига оид зарур бўлган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳаси замонавий илмий-техник тараққиётнинг талаб даражасига жавоб бера олиши, илмий-техника тарққиётининг ютуқларидан нафақат замонавий ишлаб чиқариш технологияларини яратишда, балки меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқарув фаолиятининг самарали услубларини ишлаб чиқишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Қишлоқлар ободонлигини оширишда ва фаровонлигини таъминлашда ўзгача юксалиш босқичи ва давлат миқёсида барча эътибор, беҳад катта ҳажмдаги маблағ, улкан кўламдаги қизғин меҳнат шу эзгу мақсадларга қаратилган. Олдимизда турган асосий вазифалардан яна бири 2009 йилни мамлакатимиз раҳбари томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан жойларда ёш авлодни конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга оширишдан иборатдир.

**Шерзод ТЎРАБЕКОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Она табиат ҳимояга муҳтож

# ТИРИКЛИК ТОМИРИГА ТИҒ ТОРТМАНГ!

**ҲАР КУНИ эрталаб уйқудан уйғонган чоғимизда юрагимиз гуп-гуп уриб турганлигини ҳис этиб, саломатлигимиз учун, яшаётганлигимиз учун Оллоҳга шукр қиламиз. Гоҳида эса гўзал ҳаёт нашидасига берилиб, ҳатто танамизда юрак борлигини, тану жонимиз билдириб, баъзида билдирмасдан кириб-чиқаётган нафас эвазига яшаб турганлигини ҳам унутиб қўямиз. Тириклигимиз, соғлигимиз тўғрисида қайғурамизу, аммо унинг таянчи ҳақида ҳар доим ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Ахир, биз инсонлар ҳам табиатнинг бир бўлаги эмасмизми, аслида.**

> Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га ўсимлик дунёсининг 305 та ноёб тури киритилган бўлиб, уларнинг баъзилари йўқолиб кетиш хавфи остида. Айниқса, тобора камайиб кетаётган заранг, гужум, саксовул, тут, чинор каби дарахт турлари алоҳида масъулият ва эътибор талаб қилади.

ҲА, шундай. Инсон – табиатнинг гултожи, жонзотларнинг сараси бўлишига қарамасдан, барча мавжудотлар билан ҳамнафас. Айниқса, яшил олам ҳаёти билан инсон ҳаёти узвий боғлиқ. Агар яшил олам инсон танасидан чиқадиган корбонат-ангидрид газини ютиб, ҳаёт учун зарур бўлган кислородни етказиб бермас экан, инсон ер юзида яшай олмайди. Маълумки, жон ҳаво билан кириб, ҳаво билан чиқади. Ҳаво кириши тўхтадими, демак, ҳаёт тўхтайди. Бу ҳаёт ҳақиқати.

Яшил олам неъматлари ичида биз учун энг кўп кислород берувчи ўсимликлар – бу ҳаётлигимизнинг гарови бўлган турли-туман дарахтлардир.

Она боласига оппоқ сут бергани каби, инсоният учун мусаффо ҳаво узатиб, баҳорда гўзал либослари билан кўзни яшнатиб, гул тутқазиб, ёзда соя, кузда мева бериб, қиш келганда бўрон ва тўфонларни қайтариб, ўзининг беминнат хизматини кўрсатиб келаётган дов-дарахтларга баъзи замондошларимизнинг муносабатини кўриб, дилинг ачийди, қалбинг йиғлайди, маънан қийналасан, инсон зоти шу қадар жоҳил бўладими? деб, ёқа ушлайсан киши.



Ўтган йили Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида жойлашган «Башир» қишлоғида бўлиб, у ердаги сўлим боғларни, булоқлардан сизиб чиқаётган зилол сувларни кўриб, мамлакатимизнинг бетакрор гўзаллигига яна бир бор имон келтирган эдим. У ердаги катта-кичик дарахтлар умрингизга умр, соғлиғингизга соғлиқ қўшади. Алпомишвиқор чинорлар гўё осмонни елкасида кўтариб тургандек.

Яқинда ана шундай муқаддас гўшага болта урганлар ҳақида хабар эшитиб вужудимни титроқ босди.

– Улар ким экан? – дедим нафратомуз оҳангда.

– Бегона эмас. Ўша жаннатсифат қишлоқнинг ноинсоф одамлари Ғулом Ҳайитов ва Шаҳобиддин Муродовларнинг ҳар бири икки тупдан чинорнинг, Дилшод Холов, Ортиқ Турсунов, Ўктам Раҳимовларнинг ҳар бири бир тупдан чинорнинг, Қаҳрамон Шеров эса бир йўла беш туп чинорнинг бошига етган, – деди суҳбатдошим надомат билан.

Ўшанда минг йиллар оша яшаб келаётган Сурхондарё вилоятидаги «Алпомиш» ва «Барчиной», Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Бурган қишлоғидаги «Бобочинор», Янбош қишлоғидаги «Лангарота», Ургут туманидаги «Етти чинор», Наманган вилояти, Косонсой туманидаги «Чинор» каби номлар билан машҳур кўплаб азим чинор дарахтлари ва уларга маҳаллий халқ томонидан кўрсатилаётган эътибор кўз ўнгимда гавдаланди.

Наҳотки, халқимиз муқаддас билиб, эъзозлайдиган чинордек муаззам дарахтни кесишдан қўрқмади улар. Одамларнинг лоқайдликлари туфайли асрлар мобайнида қад кўтариб, муқаддас дарахт сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган, тарихимиздан, ўтмишимиздан, яхши-ёмон кунларимиздан, иссиқ-совуғимиздан хабардор «бобо» чинорларнинг умри нокаслар қўлида хазон бўлди.

Ҳа, орамизда шундайлар бор. Улар оч қолган чиябўрига ўхшаб кўринади назаримда.

## ҚУРТНИНГ ҚАРҒИШИГА ҚОЛМАНГ...

Дарахтлар орасида энг камтарин, ҳокисор ва серхосият дарахтлардан яна бири – тут. Унинг камтаринлиги шундаки, шохларини кесиб олаверасиз ва яна шох чиқараверади. Ҳокисорлиги эса униб чиқиш учун вақт ва жой танламаслигидадир. Шундай бўлишига қарамасдан, серҳосил, серхосият. Уни отахон ва онахонларимиз беҳиштдан чиққан дарахт ҳам дейишади.

«Тут пишиғига етиб олсак бўлгани» деган гапларнинг мазмун-моҳиятини ўтган аср бошларидаги очарчилик даврларини бошидан ўтказган отахон ва онахонларимиз яхши билишади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида юртдошларимиздан кўпчилигининг ҳаётини тут дарахтлари сақлаб қолганлигини биз ҳам кўп эшитганмиз, китобларда ўқиганмиз.

Ҳа, тутнинг меваси тўйимлилиги, ўнлаб хасталикларга шифобахшлилиги билан бошқа мевалардан фарқ қилади. Айниқса, оқ марварид ва шох тутлар инсонлар қонини тозалашда ва кўпайтиришда, кўзни равшанлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тиббиёт ходимлари кўп бор такрорлашади.

Қолаверса, тут дарахти ҳам чинор дарахти сингари муқаддас саналади. Ривоят қилишларича, Оллоҳга ҳар доим шукр қилиб яшайдиган пайғамбарларимиздан бири Аюб алайҳиссаломни яна бир бор синаш мақсадида унинг танасига қурт туширилган. Шунда ҳам Аюб алайҳиссалом шукрона келтиришни тўхтатмагач, Яратганнинг амри билан қуртлар тут дарахтига қўйиб юборилган. Шу-шу, бу илоҳий қуртлар тут баргларини еб, ундан ипак чиқарар экан.

Ҳа, ипак қурти ҳақидаги ҳикмат тагида ҳақиқат бор. Шу сабабли ҳам ипакчилик саноатида тут дарахтининг ўрни беқиёс. Ипак қуртлари тут барглари билан озиқланади ва етарли озуқани тўплагач, оғзидан ипак толаларини чиқариб, ўрайди. Бу ахир мўжиза-ку. Ана шундай сир-синоат замирида асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий бойлигимиз – ипак ва атласларимизнинг хомашёси жилоланиб ётибди.

Яна бир асосий жиҳати шундаки, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, тут дарахти ҳавони инсон организми учун зарарли бўлган кимёвий элементлардан тозаловчи кучли восита ҳисобланади. У бошқа дарахтларга нисбатан энг кўп кислород чиқариб, корбонат-ангидридни ҳам шу қадар кўп ютади. Натижада, инсон саломатлиги учун зарарли моддалар ва чангни ютиб, ҳавони мукаммал тозалайди. Хуллас, инсон ҳаёти ва саломатлиги учун тут дарахти жуда ҳам зарур.

Ачинарлиси, ана шундай бебаҳо тут дарахтларини кесиш, плантацияларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учраб турганлиги кишини ранжитади.

– Бир умр ипак қурти парваришлаб, пилла етиштирдим. Барг излаб узоқ-узоқларга борган пайтларим бўлди. Пилла қурти тўртинчи уйқудан кейин тез-тез ва жуда кўп озуқа талаб қилади. Уни таъминлаш учун тутлар етарли бўлиши керак. Шу сабабли вақт топдим, дегунча тут экдим. Лекин кейинги пайтларда баъзи одамлар ноинсоф бўлиб бормоқда. Қани илгаригидек ариқ бўйларидаги икки, уч кишининг кучоғи етмайдиган қатор-қатор тутлар, тут плантациялари. Уларни кесиб кетаётганлар ипак қуртининг қарғишига қолишдан қўрқмайдими, дейди кўзларида ёш қалқиб тут парваришлаётган отахон.

«Зар қадрини заргар билади» деганларидек, тут қадрини, аввало, пиллакорлар билади. Лекин, тут дарахти фақат пиллакор учун эмас, ҳамма учун, ўзимизнинг саломатлигимиз учун зарурлигини унутмаслигимиз лозим.

## ЎҒРИНИНГ ЎЧОҒИДАГИ ЎТИН

Доно халқимизнинг «Инсоф сари барака» деган ҳикмати жуда пурмаъно. Бу лутф замирида кишиларни инсофга чорловчи улкан фалсафа ётади. Улардан бири «Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан...» деган мақолга бориб тақалади. Қир ва адирлар тепаларида, тоғу тошларнинг устида, бепоён саҳроларда ортиқча меҳнат ва қаров талаб қилмасдан, беминнат ўсиб турган арча, бодом, дўлана, саксовул каби манзарали ва бошқа ихота дарахтларининг ўтин бўлиб кетаётганлиги ана шундай инсофсизликнинг бир кўринишидир.

Тоққа чиқсангиз, албатта, арча, дўлана ва бодомзорларга дуч келасиз. Уларнинг хушбўй атридан, мевасидан, манзарасидан баҳраманд бўласиз. Айниқса, дўлананинг юрак қон-томир ва асаб касалликлари учун нечоғлик шифобахшлигини, арчанинг димоқни қитиқлайдиган ёқимли ҳидини, нафас йўлларини даволаш хусусиятини айтмайсизми?! Табиатнинг ана шундай неъматларидан баҳраманд бўлиш учун ҳам аксарият юртдошларимиз вақт ажратиб, тоққа шошилади. Улар орасида табиатнинг бебаҳо неъматларини асраб-авайловчи инсофлилар кўп. Лекин, шаҳарлардаги айрим ўчоқларда арча ва дўлана шох-шаббалари ёнаётганлиги ҳам бор ҳақиқат.



Саксовул ҳам дарахт. У ҳам чўл ҳудудларимизнинг иқлим шароитини яхшилаш, намликни сақлаш, табиатни мўътадиллаштириш мақсадида экиладиган, кўпайтириладиган, парвариш қилинадиган кўп йиллик ўсимлик. Саксовул бор жойда чўл жазирамасини ҳис қилмайсиз. Изиллаб эсаётган шамол айланиб ўтади. Кўчма қумлар йўлингизни тўсмайди, экинларни пайҳон қилмайди. Фидойи инсонлар томонидан ана шундай фойдали ўсимлик уруғи машаққатлар билан йиғиб олиниб, ҳар йили кўпайтирилмоқда. Аммо, вояга етган саксовулларни кесиш қайси виждонга тўғри келади, дейсиз.

Ёз кунларида иссиқ шамолдан, қишда изғирин совуқдан йўлларимизни ҳимоялаб турган ихота дарахтларининг қадрини чорвадор ва деҳқонлар яхши билишади. Қаерда ҳимоя дарахти бўлса, ўша жой бехавотир. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида йўловчилар учун соябон дарахт сифатида ҳам жуда асқотади. Машинага дам бериш зарурати туғилдими, соясига ўзингизни оласиз. Салқинлайсиз. Ўша дарахтларнинг беминнат хизматидан баҳраманд бўласиз. Лекин, бир ўтганингизда жонингизга оро кирган дарахтни иккинчи ўтишингизда тополмасангиз, юрагингиз ачийди. Билингки, бу ҳам ўша ноинсоф ўтинфурушларнинг ғайриқонуний иши.

Бундай ҳолатлар айрим шаҳар марказларида ҳам учраб қолмоқда. Кўп қаватли уйлар орасидан юрсангиз, катта-катта дарахтлардан қолган тўнкаларга кўзингиз тушади. Неча йиллар давомида ўсиб, соя солиб, атрофга чирой бериб турган бундай улуғвор дарахтларнинг бир кунда кўздан ғойиб бўлиши инсофдан бўлармикан? Албатта, йўқ.

Ҳа, инсофи борнинг баракаси бор. Шу сабабли ҳам инсоф ҳар бир инсон учун зийнат бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай инсофсизликнинг охири ҳам, оқибати ҳам вой...

## ЖАФОНИНГ ЖАВОБИ ЖАЗО

Бирон бир иш йўқки, охири бўлмаса, оқибати бўлмаса. Ҳар ким экканини ўради, деганларидек, қинғир қилмиш бежазо қолмайди. Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан мустаҳкам ҳимоя қилинганидек, ўлкамиздаги ҳар бир дов-дарахт, ўсимлик ҳам қонун ҳимоясида. Юртимизнинг қайси бир гўшасида – боғда бўладими, тоғда бўладими, чўлда бўладими, қатъи назар, ўсимликларга зарар етказиш, жафо кўрсатиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Зеро, она табиатнинг ажралмас муҳим бир бўлаги бўлган ўсимлик дунёси миллий бойлигимиздир. Неча асрлар оша, турли тўфонлардан, замон силсилаларидан омон қолиб, бизгача етиб келган ноёб ва кўҳна дов-дарахтлар тарихимизнинг тирик тимсолидир. Табиат томирига болта урувчилар бир нарсани унутмасин, Ўзбекистон Республикасининг **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги Қонунига кўра, ўсимлик дунёси давлат муҳофазасида. Унга қарши иш тутиш, албатта, маъмурий, жиноий ва моддий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 60-моддасига кўра, ўсимлик дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш; 78-моддасига кўра, ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш; 79-моддасига кўра, дарахтларни, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш; 80-моддасига кўра, ўрмонларни тиклашга, уларнинг ҳолатини, тури ва таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш; 81-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби»га киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шохлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш; 84-моддасига кўра, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш каби ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Шунингдек, экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга қасддан шикаст етказиш, уларни пайҳон қилиш, нобуд қилиш, кесиш, ёқиш ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар Жиноят кодексининг 198-моддаси 1, 2 ва 3-қисмларига мувофиқ, ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш эса шу кодекснинг 202-моддаси 1, 2 ва 3-қисмларига мувофиқ жиноий жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлик моддий жавобгарликдан озод қилмайди. Ўсимлик оламига етказилган ҳар қандай зарар қонунчиликда белгиланган тартибда айбдор шахслардан ундириб олинади.

## УМРИНГИЗГА УМР УЛАШАР!

Инсон узоқ умр кўришни хоҳлайди. Узоқ умр кўришнинг асосий шарти, маълумки, биз ҳар сонияда табиатдан олаётган кислородимизнинг сифати билан ўлчанади. Тоза кислород манбаи энг аввало, атроф-муҳит – яшил олам. Ахир, «тоза ҳаво – танга даво» деб доно халқимиз бежиз айтмаган-да.

Яшаш тарзимиз, ҳаётимиз гўзаллиги, саломатлигимиз, узоқ умр кўришимиз, хуллас, барча-барчасининг омили шу яшил оламга, атроф-муҳитнинг тозалигига, қисқаси, табиат муҳофазасига боғлиқ. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг қўлимизда эканлигини унутмайлик. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, аждодларимиздан бизгача етиб келган миллий бойлигимиз – она табиатнинг бебаҳо неъматлари келажак авлодга ҳам муносиб мерос бўлиб қолсин.

Шу боис ҳам мамлакатимизда кўкаламзорлаштириш ишлари йил сайин кенг тус олмоқда. Янги-янги боғлар, хиёбонлар ташкил қилинаётганлигига ҳар биримиз гувоҳмиз. Шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз йил сайин кўркамлашиб, кўкаламлашиб бораётганлиги, экилаётган мевали ва манзарали дарахтлар, айниқса, «Япон сакураси», «От каштани» дарахтлари киши кўзини қувнатади. Уларни парваришлаш, ўтинкесарлар исканжасига тушиб қолишидан сақлаш учун эса барчамиз курашмоғимиз лозим.

Агар ҳар биримиз ўз фуқаролик бурчимиз ва масъуллигимизни англаб, инсоний фазилатларимизни намоён қилиб, табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлсак, уни авайлаб-асрасак, у бизни ўз эҳсони билан сийлайди. Умримизга умр қўшади. Сиҳат-саломатлигимизни беради.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Адлия вазирлиги**
**бошқарма бошлиғи**

---

# У ГЎЗАЛ ИНСОН ЭДИ



Ўлим вақт танламаскан, жой танламаскан, ёш ҳам танламаскан. Инсон ўз тақдири азалига бу дунёни қачон тарк этиш ёзилганини билмаскан, шунинг учун яхши ниятлар, ёруғ умидлар билан ҳаёти давомида олдинга интилади, режалар тузади. Ҳаётнинг мазмун-моҳияти, яшаш завқи балки шундадир. Бироқ кутилмаганда...

У айни навқирон палласида, оқ-қорани таниб, ҳаётнинг мағзини чақа бошлаган пайтида — 28 ёшида бу дунёни барвақт тарк этди. Орзу-умидлари бир жаҳон эди. Еру кўкка сиғмаган орзу-умидларини ўзи билан олиб кетди.

Фарҳоджоннинг жамоамизда ўрни бор эди. Газетамизнинг шаклан гўзал, сифатли чоп этилиши фақатгина Фарҳоджонга боғлиқ эди. Республикамиз нашрларининг иқтидорли саҳифаловчи-дизайнерлари сафида турарди. Ўз ишини мукаммал биларди. Соҳанинг ноёб истеъдоди, чин маънодаги ижодкори эди.

“Инсон ва қонун” газетасининг кўп саҳифали махсус байрам сонлари юқори сифатда чоп этилишида ҳам Фарҳоджоннинг маҳорати сезилиб турарди, газетамизнинг ҳар бир сонида иқтидорли дўстимизнинг ўзига хос ижоди, изланувчанлик самараси — истеъдоди намоён бўларди.

Фарҳоджон Хўжаназаров 2002 йилда Самарқанд Давлат университетининг Татбиқий математика ва информатика факультетини тамомлаганди. Ҳозирда Иқтисодиёт университетида иккинчи мутахассислик бўйича 2-босқичда таҳсил олаётганди. У хоҳ ўқиш бўлсин, хоҳ иш бўлсин, масъулият билан ёндашиб, ён-атрофдагиларга ҳам кўмаклашишга вақт топарди. Шунинг учун ҳам унинг дўстлари кўп, ёш бўлса ҳам обрў-эътибори зиёда эди. Ҳар жиҳатдан гўзал Инсон эди.

Фарҳоджон Хўжаназаровнинг хотираси ҳар биримизнинг қалбимизда, ёдимизда мангу қолади.

**Шу билан ҳаммаси бўлдими тамом,**
**Ер бунча бағрига чорлади барвақт?**
**Тупроқ ҳам кўзингга кўринар ёмон —**
**Яхши одамларга қилмаса шафқат.**
**Кўнглингга нималар келди ўша кез,**
**Баланд чинорлардай тутиб қаддингни.**
**Қарай олмадингми ажалга ҳам терс —**
**Ўлимнинг юзидан ўтолмадингми?!**
**Тўғри, у дунёни қилиб бўлмас рад,**
**Қачондир кўришмоқ бўлар насиб-рўз.**
**Бугун сенга берсин Худойим жаннат —**
**Бизга эса юпанч бўладиган сўз.**

Охиратинг обод бўлсин, Фарҳоджон!

**“Инсон ва қонун” газетаси**
**таҳририяти жамоаси ва дўстлари**

---


## ЭЪЛОН!

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Чироқчи тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;**

**Андижон вилояти адлия бошқармаси Марҳамат туманидаги 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ҳамда Шаҳрихон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лавозимларига**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;*
*7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.*
*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-375) 223-01-62, 223-01-67, 223-01-76.**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-374) 222-30-89, 224-24-92, 224-66-93.**

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 31 июль кунги 8-сонли ҳайъат қарорига асосан Самарқанд шаҳридаги «КОНСУЛ» адвокатлик бюроси, Нарпай туманидаги «МУХАММАДИ М,Б» адвокатлик бюроси, Булунғур туманидаги «ШИЖОАТ» адвокатлик бюроси, Тойлоқ туманидаги «ТОЙЛОҚ» адвокатлик бюроси ва Пастдарғом туманидаги «ТАЯНЧ» адвокатлик фирмалари тугатилиб, давлат рўйхатидан чиқарилди.

**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-366) 233-71-57, 233-13-19**

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича Малака комиссиясининг 2009 йил 3 августдаги қарорига асосан Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Г.Аҳророванинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди.


Андижон вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарма ходими А.Исмоиловга падари бузруквори **Каримжон ота ИСМОИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Чилонзор туманидаги 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Шерзод Есенбоевга **отаси Зиёд ЕСЕНБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Раҳмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимбергапович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-715. Тиражи — 13718. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 [t] — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 5